

## ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**Б.К.Хожанов**

*Ажиниёз номидаги НДПИ Бошланғич таълим кафедраси ассистент  
ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада экологияга оид олиб бориладиган дарсдан ташқари машғулотларининг аҳамияти, мазмуни, ҳажми, ташкилий шакллари ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Экологик тарбия, экологик билим, дарсдан ташқари машғулотлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, экологик ҳафталиклар, экологик кечалар, экспедиция.

Экологик таълим ва тарбиянинг туб маъноси — табиат ва жамият ўртасидаги доимий бирлик ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилишдан иборатдир.

Инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биладиган, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган, сақлайдиган, табиат бойлигига, гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахсни етиштириш экологик тарбиянинг мақсади ҳисобланади.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашуви, ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаблашуви инсоннинг табиатга нисбатан илмий-амалий фаолиятини қатъий равишда тартибга солишни талаб этмоқда. Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқиймеъёрий ҳужжатлари мазмунида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XI боб, 50-модда) да: «Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб кўрсатилган. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айланиши лозим.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдамга боради, яъни йиқилган бутани тиклайди, касал ҳайвонни тузатади, даволайди, ифлос сувни тозалашга ҳаракат қилади, ёнғинни ўчиради ва ҳоказо.

Табиатни севиш, сув, тўпроқ, олов ва ҳавони эъзозлаш, дунёдаги жамики эзгу амалларни пок ва бус-бутун сақлашга даъват этиши, инсоният ўзи ўсиб улғайган она – заминни, атроф муҳитни юксак эътиқод-ила ардоқлашга ҳозирги авлодларга ўтмиш аجدодлардан қолган меросдир. Ер, ҳаво, сув ва олов(Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб, то исломгача бўлган барча динлар томонидан муносиб қадрлаб келинган Мактаб ўқувчилари аввало, инсон, унинг маданиятини, табиат, табиатни ташкил этувчи (қуёш, ҳаво, сув, тўпроқ) компонентларини ва табиат муҳофазасига оид энг зарур тушунчалар моҳиятини билишга ҳаракат қилишлари керак бўлади.

Ана шундагина, ўсимликларни пайҳон қилмаслик, гулларни юлмаслик, ўрмонлар, кўчаларда юрганда шовқин чиқармаслик; атрофга ахлат тўкмаслик, ёнғин чиқармаслик, дарахтларни кесмаслик; тўпроқ, ҳаво, сувни ифлос қилмаслик, йиртқич ҳайвонларни ўлдириш мумкин эмаслиги, энергия, Ер ва сувдан унумли фойдаланиш зарурлиги англаб етади. Бу эса, ўқувчида ўз Ватани шарафини онгли равишда ҳимоя қилишга, унинг қонун, қарорларини сидқидилдан бажарадиган инсон сифатида табиат ва унинг компонентларини кўриқлашга, унинг энг яқин ишончли дўсти ва ҳимоячиси бўлишга даъват этади.

«Табиатшунослик», «Эколог» каби тўғарақларини ташкил этиш асосида ўқувчиларнинг табиатга бўлган қизиқиши ошади, унга муносабати онгли равишда шаклланади ва бошқа ўтиладиган ўқув фанларига янада қизиқиши ортади. Экологик тарбия ҳақидаги фикрлар табиатни севиш, уни ардоқлашга бўлган хоҳиш-истак, маъсулиятни сезиш, муаммо ҳақидаги мустақил тафаккур, мушоҳада қилиш, ижобий хулосалар чиқаришдан, тасаввурларини кенгайтирувчи сайёҳатлар, об-ҳаво ва табиатни кузатишдан, ўзи яшаётган муҳитни кўкаламзор қилиш, мевазорлаштириш, меҳнат кўникмаларини шакллантиришдан, оромгоҳлар фаолиятини ривожлантиришдан бошланади.

Ўқувчиларга экологик билим бериш мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Ўқитувчи ҳар бир дарс мавзусининг экологик мақсади, мазмуни, вазифалари ва истиқболларини кўра билиши, мавзунинг экологик мақсади таълим-тарбия жараёнининг умумий манфаатларига мос бўлиши ва у билан узвий боғланганлигини аниқ тасаввур қилиши зарур.

Ўқитувчи дарсдан ташқари ишларда олиб бориладиган экологияга оид машғулотларнинг мазмуни, ҳажми, ташкилий шакллари ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини кўз олдига келтира олиши лозим.

Табиатни асраш, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган она еримиз, сувимиз ва ер ости бойликларимизни муҳофаза қилиш масалалари қадимдан бугунги кунгача асосий долзарб вазифалардан бири бўлиб қолгани ҳаётимиз қадриятининг муҳим омилларидир.

Экологик таълим-тарбия энг аввало дарс жараёнида, сўнгра дарсдан ташқари машғулотларда давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, экологик ҳафталиклар, экологик кечалар, экспедиция ва экскурсиялар орқали амалга оширилади.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг асосий мақсади ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришдан иборат бўлиб, экология фани бўйича олган билимларини чуқурлаштириш, уларда табиатни асрашга бўлган қизиқишларини фаоллаштиришдан иборат.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг таълимий-тарбиявий вазифалари фаннинг умумий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқади. Дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларда ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, касб-хунарга қизиқиш ҳислатларини тарбиялайди. Ўқувчиларни табиат ва инсон ҳаётига

оид бўлган қизиқарли фактлар, тушунчалар, кўникмалар билан куроллантиради. Энг муҳими ўқувчиларни экологияга бўлган қизиқишларини оширади.

Экология тўғараги ўқувчиларнинг илмий жамиятлари, факультатив машғулотлар, табиатни сеувчилар клуби ва музейлар, экологиядан ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотлар шакллари, доимий ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотлар жумласига киради.

Дарсдан ташқари машғулотлар сифатида олимпиадалар, экологик ҳафталиклар, экологик кечалар, экскурсия, экспедицияларни кўрсатиш мумкин.

Дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш усулларида табиатда олиб бориладиган ишлар: кузатиш, сайр-саёҳат, экологик адабиётлар билан ишлаш, маърузалар, рефератлар, газеталар, стендлар тайёрлаш каби амалиётда кенг тарқалган. Шунингдек, экологик тарбияда ўйинлардан фойдаланиш: кечалар, олимпиадалар, викториналар, турли хил ўйинлар уюштиришга катта эътибор берилади.

Ўқувчиларда табиатга нисбатан онгли муносабатни шакллантира олсак, бу билан бир қаторда Ватанга муҳаббат, яқинларига нисбатан ҳурмат-иззат, ҳар бир нарсдан оқилона фойдаланиш барча мавжудотга нисбатан нафосат ва ғамхўрликни ҳам тарбиялаш имконига эга бўламиз.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Эргашев А. Умумий экология.-Тошкент: Ўзбекистон, 2003
2. Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури. Тошкент: «Chinor ENK» экологик нашриёт компанияси, 2009.
3. «Узлуксиз экологик таълим: муаммолар ва ечимлар», Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, Тошкент, ЎзПФТИ, 2007 йил